



МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ МИҚДОРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллаева Г.А.

*ЎзМУ “Педагогика ва умумий психология” кафедраси педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), катта ўқитувчи*

Таянч сўзлар: тарбия, квалиметрия, баҳолаш мезонлари.

Ключевые слова: образование, метрики качества, критерии оценки.

Key words: education, quality metrics, evaluation criteria.

Kirish. Маънавий тарбияланганлик даражасини баҳолашнинг энг одилона методи аслида бу – кузатиш ва суҳбатдир. **Маънавий тарбияни миқдорий хусусиятларини ўлчаш мумкинми?** Бу савол тугал ечимини топмаган муаммодир. Шунинг учун ҳам тарбия ишларини квалиметриялашда факатгина миқдорий эмас, сифатий баҳолаш имкониятлари ҳам инобатга олиб даражаланади.

Мактаб ўқувчиларининг тарбияланганлик ҳолатини баҳолаш методикаларининг натижавий таҳлили ҳар бир чоракда амалга оширилиши ва чоракликдаги тарбия ишининг диагностик кўрсаткичлари таққослаб борилиши лозим. Бунинг учун эса юқорида тавсия этганимиздек, ҳар бир синф ўқувчиларига алоҳида “маънавий тарбия” динамикасига эга бўлган индивидуал табелни шакллантириш лозим. Диагностик ижрочи сифатида синф раҳбарлар, тарбия фани ўқитувчилари, мактаб психологлари ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарларининг махсус кузатуви, сўровномалар, суҳбатлар, тест каби турли методик усуллар орқали ўқувчилар билан персонал ишлаши, тарбиявий тенденцияларини аниқлаб, ривожлантириб боришлари тақлиф қилинади.

Тарбия ишларидаги энг муҳим сифатий кўрсаткич **максадга мувофиқлик** белгисидир. Ўзгарувчан ва яхлит баҳолаб бўлмайдиган жараён сифатида тарбия сифатини миқдорий ўлчаш жуда мураккаб. Мақсад қандай бўлса, ҳамкорлик томонларининг унга эришиш учун танланган йўллари ҳам узвий, ўзаро мувофиқ бўлиши керак.

Natijalar. Таълим муассасасида маънавий-ахлоқий тарбия муҳити мониторингини олиб боришда фаолиятни қуйидаги баҳолаш мезонлари ва ўлчов бирлиги наъмуналари ишлаб чиқилди:

1. Ўқувчиларнинг маънавий маърифий тадбирларда эришган ютуқлари (*баённома, сертификат, диплом ва ҳ.к асословчи ҳужжатлар билан асосланади*).

Мактаб (синф) сонига нисбатан умумий ўрта қиймат қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M3 = \frac{20 \cdot U_{n3}}{O'n}$$

M3 мезон қиймати;

U ютуқлар критерияси;

20 мезонга белгиланган балл қиймати;



Un3 Ўқувчиларнинг маънавий маърифий тадбирларда эришган ютуқлари (ютуқларнинг сони);

O'n мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони.

2. Мактаб ички назоратига олинган ва ўқув йили давомида ахлоқий тарбия назорат ишларининг ижобий натижаси сифатида ички назоратдан чиқарилган ўқувчилар сони.

$$M8 = \mathcal{J}n / \left(\frac{O'n}{100} \right)$$

M8 мезон қиймати;

J жинойятчилик, ҳуқуқбузарлик критерияси;

Jn Тарбияси оғир, соғлом ижтимоий ҳаётда фаол бўлмаган, жинойятчиликка мойил ўқувчилар сони;

O'n мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони.

3. Ўқувчиларнинг маънавий – маърифий қиёфаси (асос: музей, теарт, кутубхона, табиат қўйнидаги очиқ музейлар, сайлгоҳ каби масканлардан олган тассуротлари ҳақида “Ўзбекистон – менинг Ватаним”, (“Ватанпарварлик”) мавзусида ёзилган эссе бўйича олган натижа)

Мактаб (синф) сонига нисбатан умумий ўрта қиймат қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M8 = \left(\frac{5 \cdot \mathcal{J}n}{O'n} + \frac{4 \cdot \mathcal{J}n}{O'n} + \frac{3 \cdot \mathcal{J}n}{O'n} \right)$$

M8 мезон қиймати;

J Ўқувчиларнинг маънавий – маърифий қиёфаси критерияси;

n олинган баҳолар сони;

O'n мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони.

4. Умумий ўрта таълим муасасасида маънавий-маърифий ўқув- тарбиявий муҳит (Ўзбекистон Республикаси президентининг 5 ташаббус доираси асосида бажарилган ишлар юзасидан ўлчанади)

Маънавий-маърифий ўқув-тарбиявий муҳит кўрсаткичи қуйидаги формула асосида ўлчанади:

$$M10 = (\mathcal{M}1 + \mathcal{M}2 + \mathcal{M}3) / 15$$

M10 мезон қиймати;

M1 ўқув йили давомида биринчи ташаббус (музиқа, театр, рассомчилик, адабиёт ва санъат) доирасида Республика тадбирларида эришилган ютуқлар сони;

M2 ўқув йили давомида иккинчи ташаббус (ёшларнинг спорт соҳасида қобилиятини намойн қилиши) доирасида Республика тадбирларида эришилган ютуқлар сони;

M3 ўқув йили давомида учинчи ташаббус (ўқувчиларнинг компьютер саводхонлиги бўйича) доирасида Республика тадбирларида эришилган ютуқлар сони;

M4 ўқув йили давомида тўртинчи ташаббус (ўқувчилар ўртасида ёшларнинг маънавиятини юксалтириши, уларда китобсеварликни шакллантириши бўйича ўтказилган тадбирлар) доирасида Республика тадбирларида эришилган ютуқлар сони;

M5 ўқув йили давомида бешинчи ташаббус (ўқувчилар ўртасида хотин қизларни ошлага тайёрлаш доирасида ўқувчи қизлар ўртасида “иффатли қиз” кўрик танлови) доирасида мактаблараро, (синфлараро) ёки Республика миқёсида тадбирларида эришилган ютуқлар сони.

5. Тарбияси оғир, соғлом ижтимоий ҳаётда фаол бўлмаган, жинойятчиликка мойил ўқувчилар сони (асос: профилактика инспектори қайдномаси).

$$M11 = Jn / \left(\frac{O'n}{100} \right)$$

M11 мезон қиймати;

J жинойатчилик, ҳуқуқбузарлик критерияси;

Jn Тарбияси оғир, соғлом ижтимоий ҳаётда фаол бўлмаган, жинойатчиликка мойил ўқувчилар сони;

O'n мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони.

6. Ўқувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар сони (асос: профилактика инспектори қайдномаси.

Мактаб ички назоратига олинган ўқувчилар сони)

$$M12 = Jn / \left(\frac{O'n}{100} \right)$$

M12 мезон қиймати;

J жинойатчилик, ҳуқуқбузарлик критерияси;

Jn Ўқувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар сони;

O'n мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони.

7. Ўқувчиларнинг “Оила, мактаб, ва маҳалла ҳамкорлиги” асосидаги маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси.

Умумий балл ўқувчиларнинг “Оила, мактаб, ва маҳалла ҳамкорлиги” нинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаси бўйича баҳолаш мезони асосида олинган натижанинг умумий арифметик қийматини чиқариш ҳисобидан ўлчанади (умумий арифметик қиймат мактаб (синф) сонига нисбатан ўлчанади)

8. Ўқувчиларнинг тўғаракка жалб қилиниши (тўғараклар сони ва ўқувчиларнинг иштироки).

Мактаб (синф) сонига нисбатан умумий ўрта қиймат куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M4 = \frac{(Tn1 + \dots + Tn) \cdot n}{O'n}$$

M4 мезон қиймати;

T тўғарак критерияси;

n тўғарак сони;

Tn1 + \dots + Tn тўғаракда қатнашувчилар сони. (мактаб (синф)даги фаолият олиб борилаётган мавжуд тўғараклар ва уларга аъзолар сони);

O'n мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони.

9. Ўқувчиларнинг “Тарбия” дарси бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$M5 = \left(\frac{5 \cdot Fn}{O'n} + \frac{4 \cdot Fn}{O'n} + \frac{3 \cdot Fn}{O'n} \right)$$

M5 мезон қиймати;

F ўқув фани (Тарбия)

Fn ўқув фани доирасида ўзлаштирган ўқувчилар сони

$5 \cdot Fn$ Тарбия ўқув фанидан аъло баҳога ўзлаштирган ўқувчилар сони;

$4 \cdot Fn$ *n* Тарбия ўқув фанидан ўрта баҳога ўзлаштирган ўқувчилар сони;

$3 \cdot Fn$ Тарбия ўқув фанидан қониқарли баҳога ўзлаштирган ўқувчилар сони;



$O'n$ мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони (охирги чорадаги умумлаштирилган натижа баҳолари ҳисобланади).

10. Амалдаги ишларнинг (ОАВ) маҳаллий матбуотларда, Вазирлик ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидаги (telegram, facebook) ёритилганлиги (асослиниши: расм ва баённомалар асосида).

Ҳар бир иштирок учун 3 балдан баҳоланади;

$$M6 = \frac{Wn1 \cdot 3 + Wn2 \cdot 3 \dots Wn \cdot 3}{3}$$

$M6$ мезон қиймати;

Wn Амалдаги ишларнинг (ОАВ) маҳаллий матбуотларда, Вазирлик ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидаги (telegram, facebook) ёритилганлиги сони;

“3” ҳар бир натижа учун баҳолаш қиймати.

11. Мактаб (синф) томонидан ташкиллаштирилган “ота-оналар мажлиси”да ота оналарнинг иштироки.

Мактаб (синф) сонига нисбатан умумий ўрта қиймат куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M1 = \frac{10 \cdot On1}{O'n}$$

$M1$ мезон қиймати;

O оила ҳамкорлиги, ота оналар критерияси;

10 мезонга белгиланган балл қиймати;

$On1$ Мактаб (синф) томонидан ташкиллаштирилган “ота оналар мажлиси” мажлисида ота оналарнинг иштироки;

$O'n$ мактаб (синф) ўқувчиларининг умумий сони.

Хулоса. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёни сифатини ўрганиш ва уни мунтазам баҳолаб бориш учун ўқувчилар тарбиясида юзага келаётган миқдорий ҳамда сифатий ўзгаришлар тенденциясини очиб беришга қаратилган квалитетрик-мониторинг тизими орқали умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий муҳитини ўрганиш, тарбиявий контингенти ҳақида маълумотга эга бўлиш имкони яратилади. Бунда паст кўрсаткичли гуруҳларни аниқлаш ва улар билан кучайтирилган режимда ҳамкорликда ишлаш, ўқувчилар билан тарбиявий ишлар олиб боришдаги сифат кўрсаткичларини белгилаб бориш ва мавжуд тарбия механизмларини янада такомиллаштиришнинг янгича истиқболли режаларини тузиш муаммолари аксини топади.

Тарбия сифатини квалитетрик мониторинг қилишда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг тарбиявий имкониятлари сифатини ўлчаш ва баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш; ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш диагностикаси бўйича синф раҳбарларда ташкилий-педагогик ва услубий-методик базанинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги педагогик-методик таъминотни етарли эмаслигини кўрсатади.

Педагогикада квалитетрик-мониторинг – педагог-ҳодимларнинг малакавий талаб даражасига мослигини аниқлаш, педагогик жараёнларнинг натижадорлик кўрсаткичларини кузатиш, таҳлил қилиш, миқдорий ўзгаришлари, ўсиш суръати ҳақида якуний маълумотга эга бўлиш шунингдек, самарадорликни сифатий ҳамда миқдорий баҳолашни йўлга қўйишни масалаларини камраб олади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 72 б.



2. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Қонуни, ЎРҚ-637-сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2020 йил 23 сентябрь.

3. Худойқулов Х. Ж. Tarbiyaviy ishlar metodikasi. O'quv qo'llanma. - Toshkent: Innovatsiya-Ziyo., 2020. 26-249 bet.

4. Agzaldov G.G. The ABC of Qualimetry. Toolkit for measuring theimmeasurable Ridero 2015. - 87-26 p.

5. Абдуллаева, Г. А., & Раджаббоева, Р. А. (2020). “Oila, maktab va mahalla hamkorligi” o'quvchi-yoshlarni tarbiyalash samaradorligining muhim omili sifatida. Инновации в педагогике и психологии, (SI-2№ 7).

6. Narzulloevna A. S. Directing Students to Scientific Research Activity is the Main Condition of Educational Paradigms //International Journal of Formal Education. – 2022. – Т. 1. – №. 8. – С. 70-78.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида олиб борилаётган маънавий-ахлоқий тарбия ишлар ва унинг самарадорлиги, мазкур жараёни баҳолаш мезонлари ва индикаторлари, мана-вий-ахлоқий тарбияланганликнинг миллий ва замонавий хусусиятлари тавсифланган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается духовно-нравственное воспитание, осуществляемое в общеобразовательных школах, и его эффективность, критерии и показатели оценки этого процесса, национальные и современные особенности духовно-нравственного воспитания.

SUMMARY

This article describes the spiritual and moral education carried out in secondary schools, and its effectiveness, criteria and indicators for assessing this process, national and modern features of spiritual and moral education.